Тошкент оқшоми

2017 ЙИЛ 23 ИЮНЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 130 (13.463)

Баҳоси эркин нархда

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 22 июнь куни Фарғона вилоятига ташриф буюрди.

Фарғона вилояти ўзининг ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган саноат ва коммуникация тармоқлари билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 6,1 фоиз ўсди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, қурилиш, хизматлар кўрсатиш соҳаларида барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Саноат маҳсулотининг 96 фоиздан ортиғи кимё, нефть-кимё, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва қурилиш материаллари тайёрлаш каби замонавий тармоқларда ишлаб чиқарилмоқда. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, "Фарғонаазот", "Автоойна", Қўқон механика заводи, "ДЭУ текстиль Фарғона", "Қўқон Индорама текстиль" каби йирик саноат корхоналари нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин эгаллайди.

Замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, халқаро бозорда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш тизимли равишда давом эттирилмоқда. Экспорт қилувчи корхоналар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятига кенг жалб этилаётгани самарасида вилоятнинг бу борадаги салоҳияти муттасил ошиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги Фармонига асосан ташкил этилаётган "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси бу борадаги имкониятларни янада кенгайтиради.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Бу соҳанинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 62 фоизга, экспортдаги улуши 58 фоизга етган. Меҳнат билан банд аҳолининг 81 фоизи шу соҳада ишламоқда.

Вилоятнинг омилкор деҳқон ва фермерлари қишлоқ хўжалигида улкан натижаларга эришмоқда. Такрорий экинлардан, томорқадан унумли фойдаланиб, қўшимча даромад топмоқда.

Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида мамлакатимизнинг барча ҳудудлари каби Фарғона вилоятини ҳам ҳар томонлама ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, аҳоли ҳаёт даражасини юксалтириш борасида аниқ режа ва мақсадлар баён этилган эди.

Давлатимиз раҳбари Фарғона асаларичилик ишлаб чиқариш ўқув марказига ташриф буюрди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар бозорларимизнинг тўкинлигини таъминлаш, аҳолига сифатли, арзон ва сервитамин озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга хизмат қилаётир. Асаларичиликни янада ривожлантириш, соҳадаги илғор тажрибаларни кенг оммалаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бермоқда.

Вилоят асаларичилар уюшмаси қошида ташкил этилган мазкур ишлаб чиқариш ўқув марказида барча шароит яратилган. Марказда йилига 600 нафар мутахассис ўқитилади. Замонавий ўқув режа асосида олимлар томонидан амалиёт дарслари ўтилади.

Шавкат Мирзиёев марказда амалиёт ўтаётган коллеж ўқувчилари билан Фарғона асаларичилиги тарихи, асалнинг шифобахш хусусиятлари, таълим жараёнида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида суҳбатлашди.

Фарғона туманидаги технология касб-ҳунар коллежи ўқувчилари Ботирали Мавлонов ва Дилнавоз Эшматова Президентимизга ёшларга яратиб берилаётган имконият учун миннатдорлик билдирди.

Вилоятда 1000 дан ортиқ асаларичилик субъекти рўйхатга олинган. Ички бозорни арзон, сифатли маҳсулот билан таъминлашга қаратилаётган алоҳида эътибор шифобахш табиий неъмат ишлаб чиқаришни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Марказда илмий-тадқиқот лабораторияси, тренинг заллари, кутубхона, электрон архив базаси, асални қайта ишлаш ва қадоқлаш цехи, тикувчилик, мум-парда, асбоб-ускуна ва асалари уяси ишлаб чиқариш цехлари фаолият юритмоқда. Асаларичиликда наслчилик лабораторияси, қарийб 2 гектар экспериментал боғ ва асал берувчи ўсимликларни етиштиришга мўлжалланган экин майдони ташкил этилган.

Фарғона давлат университетида асаларичилик бўйича мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш керак, деди давлатимиз раҳбари. Агар мазкур соҳанинг илмий асослари пухта ўргатилса, бошқа вилоятлардан ҳам ёшлар ўқишга келади. Хорижий давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшма корхона ташкил қилиш лозим.

40 кишининг бандлиги таъминланган марказда бир йилда 7 минг дона асал уяси, 7 минг 500 дона ёстиқча, 3 минг дона махсус кийим ва юз ниқоби ишлаб чиқарилади.

Бир кечаю кундузда 200 килограмм мум-парда тайёрланади. 200 тонна асални қадоқлаш цехи ишлаб турибди. 2016 йилда вилоятларга 20 минг дона, чет давлатларга 30 минг дона сифатли асалари пакетлари етказиб берилди.

Шавкат Мирзиёев асалари уялари ва ускуналари ишлаб чиқариш цехида олиб борилаётган иш жараёни билан танишди.

Шу ерда Халқ банки томонидан вилоятда амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

Қўштепа туманида ташкил қилинадиган 2 минг бош қорамол боқишга мўлжалланган чорвачилик комплекси ва сутни қайта ишлаш лойиҳаси 2018 йилнинг учинчи чорагида тўла қувват билан ишга туширилади. Комплексда 180 киши иш билан таъминланади. Йилига 4 минг тоннадан ортиқ сут, 150 тонна гўшт қайта ишланади.

"Ўзбекипаксаноат" уюшмаси томонидан Фарғона вилоятида 2017-2021 йилларда ипакчиликни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилгани маъқулланди.

Пиллачиликни янада ривожлантириш учун тут плантацияларини ташкил қилиш керак. Соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, пиллачиликда аҳолининг доимий иш билан таъминланишига эришиш лозим.

Президентимиз Фарғона туманидаги "Миндонобод агросаноат" агрофирмасига ташриф буюриб, вилоят қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Мамлакатимизда сифатли мева-сабзавот етиштириш ва аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, узум етиштиришни кўпайтириш, маҳсулотни экспорт қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

"Миндонобод агросаноат" агрофирмаси узумчиликка ихтисослашган бўлиб, 720 гектарга саноатбоп узум навлари экилган. Корхона йилига 5 минг тонна маҳсулот етиштириш, 3 минг тонна узумни бирламчи қайта ишлаш, 650 минг дона брикет ишлаб чиқариш қувватига эга. Бунинг учун 89 киши доимий, 300 дан ортиқ киши мавсумий ишга жалб этилган. Токзорларни парваришлашда томчилатиб суғориш технологиясидан фойдаланилади.

Агрофирма томонидан мавжуд токзорларни минг гектарга етказиш орқали йилига 15 минг тонна узум етиштириш, 1 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотни экспортга йўналтириш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун 450 минг туп ток қаламчаси тўқазилиб, Хитойнинг қуёш энергиясида ишлайдиган суғориш тизимлари ўрнатилади. Ушбу лойиҳа тўла ишга тушгач, 250 киши иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун барча имкониятлар яратилганини, куни кеча эълон қилинган "Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор соҳа вакиллари фаолияти самарадорлигини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

Фарғона вилоятида тадбиркорлик илмини эгаллаган уддабурон ишбилармонлар кўп. Аммо одамлар ҳамиша ҳам меҳнатига яраша даромад олмаган. Бу адолатсизликка чек қўйиш керак. Янги қарор билан яратилаётган имтиёзлар уларнинг қилаётган ишидан манфаатдорлиги ортишига, ўзи, оиласи ва жамият учун фойда келтиришига, фаровон ҳаётга эришишига хизмат қилади, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда "Ўзвиносаноат холдинг" компанияси томонидан 2017-2018 йилларда Фарғона вилоятида амалга ошириладиган лойиҳалар тўғрисида маълумот берилди. Компания томонидан тижорат банклари билан ҳамкорликда қиймати 63 миллиард 256 миллион сўмлик 6 лойиҳани амалга ошириш, 200 га яқин иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда. Натижада вилоятда бўш ётган ерларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш бўйича йирик қувватлар ташкил этилади, экспорт ҳажми ортади.

Қува туманидаги "Big agro logistic" масъулияти чекланган жамияти томонидан мева-сабзавотни қайта ишлаш, қуритиш, қадоқлаш ва экспорт қилишга мўлжалланган замонавий логистика маркази ташкил этилмоқда.

Лойиҳанинг умумий қиймати 7,2 миллион доллар бўлиб, биринчи йилда 6,5 миллион доллар, беш йилдан сўнг 10 миллион доллар миқдоридаги маҳсулот экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Логистика марказига Италия ва Туркиядан келтириладиган технологик линиялар ўрнатилади. 5 минг тонналик совуткич, 7 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаш қувватлари ташкил этилади. Лойиҳа ишга тушгач, 180 иш ўрни яратилади.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан "Донолик ва ташаббускорлик – сиёсий етакчилик мезони" шиори остида ўтказилган "XXI аср аёли" кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичида Термиз шаҳридан Мастура Ҳамроева биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

● Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли туманида коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш ва уларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишига кўмаклашиш мақсадида "Стартап ҳафталиги" тадбирлари ўтказилди.

● Юқори Чирчиқ туманидаги "Ариранг" қариялар уйида Жанубий Кореянинг Инҳа университети госпиталининг малакали шифокорлари аҳолини тиббий кўрикдан ўтказди.

● Самарқанд автомобилсозлик коллежида мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган автосаноат соҳаси учун замонавий билим ва касб кўникмаларини ўзлаштирган кичик мутахассислар тайёрланмоқда. Бу йил коллежни битирган 300 нафарга яқин ёш "Самарқанд автомобиль заводи", "Самарқанд автотеххизмат", "Uz Auto Trailer", "JV MAN Auto-Uzbekistan" ва бошқа корхоналарда меҳнат фаолиятини бошлайди.

● Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси томонидан пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни доирасида брифинг ўтказилди. Тадбирда маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, содир этилган жиноятлар, суд ва тергов жараёнлари юзасидан маълумот берилди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Москвада 39-Халқаро кинофестивалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу анъанавий нуфузли киноанжуманда жаҳоннинг турли қитъаларида ижод қилаётган иқтидорли режиссёрларнинг 200 дан ортиқ тўла метражли фильмлари намойиш этилади.

● Сел хуружи муносабати билан Транскавказ магистрали вақтинчалик ёпилди.

● Португалиянинг марказий қисмида деярли бир ҳафтадан буён давом этаётган ва сабаби ҳамон номаълум бўлган ўрмон ёнғинлари натижасида қурбон бўлганлар сони 64 нафарга етди. Табиий офатдан 200 га яқин киши жабрланди. Кечадан бошлаб ёнғинни бирмунча жиловлашга муваффақ бўлинди. Табиий офатни бартараф этиш борасида ёрдамга испаниялик ўт ўчирувчилар ҳам келишди.

● Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Томас Бах 2014 йил Сочида ўтказилган Олимпиадада йўл қўйилган қоидабузарликлар учун Россияга нисбатан санкциялар қўлланилишини маълум қилди.

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

АДОЛАТ ВА ҚОНУНИЙЛИК – ХАЛҚ ВА МАМЛАКАТ ХОТИРЖАМЛИГИНИНГ АСОСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев асос солган халқ билан мулоқот, мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизим – Халқ қабулхоналари институти мамлакатимизда ҳар бир соҳа ва ҳудуддаги асл манзарани, мавжуд аҳволни реал кўриш ва баҳолаш, оддий одамлар қалбига қулоқ солиш, уларнинг дард-ташвишларини астойдил тинглаш, муаммоларини ҳал этиш имконини бермоқда. Асосий мақсад – давлат идораларининг халқ талаб ва истаклари асосида ишлашига эришиш, халқимизни ҳаётдан рози қилишдан иборат.

Бу жиҳатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати ташкил қилаётган сайёр қабулларда ўз ифодасини топмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайёр қабуллар ташкил этилди.

Мазкур тизимнинг навбатдаги босқичида илк бора соҳалар бўйича мурожаатлар билан ишлашга киришилди. Бу борада 20 июнь куни Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида бошланган сайёр қабулда суд, прокуратура, ички ишлар, адлия, солиқ ва божхона масалалари бўйича фуқаролар ва тадбиркорларнинг мурожаатлари бевосита муҳокама қилинди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаатлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис сайёр қабулда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худойберганов, Олий суд раиси К.Комилов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори И.Абдуллаев, ички ишлар вазири А.Азизов, Давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев, Давлат божхона қўмитаси раиси М.Тоҳирий, адлия вазири М.Икромов фуқаролар ва тадбиркорларнинг мурожаатларини тинглаб, уларга ечим излагани мурожаатчилар учун катта қулайлик бўлди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ватан ҳимояси – муқаддас бурч



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳарбий-техника институтида битирувчиларга диплом топшириш ва ҳарбий унвон беришга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда кенг жамоатчилик вакиллари, битирувчи курсантларнинг ота-оналари, яқинлари иштирок этди.

ОФИЦЕРЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

Ички ишлар вазири А.Азизов, институт бошлиғи Ҳ.Маматов ва бошқалар мамлакатимизда ички ишлар тизимини ислоҳ қилиш, соҳани юксак малакали, профессионал кадрлар билан таъминлаш, таълим даргоҳларида ўқитишнинг замонавий усул ва воситаларидан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти сифатида фаолият кўрсатган таълим даргоҳи давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига асосан Ҳарбий-техника институтига айлантирилди.

Бу ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш имконини бериб, ёш офицерларнинг ҳарбий ва соҳавий билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳарбий-техника институтида курсантларнинг билим олиши, жанговар машғулотларни юқори савияда ўтказиши учун барча шароит яратилган. Таълим жараёни янги давлат стандартлари, замонавий ахборот ва илғор педагогик технологияларни қўллаган ҳолда, намунавий ўқув режалари асосида олиб борилмоқда.

Ихтисослаштирилган моделлаштириш ва симуляция марказида курсантлар махсус компьютер технологиялари ёрдамида жанговар вазиятларга максимал яқинлаштирилган шароитларда тажриба оширади. Спорт базасида нафақат жисмонан, балки руҳан тетик курсантлар тарбияланмоқда.

Институтда панорамали компьютерлаштирилган ўқ отиш тренажёри фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ушбу технология турли жанговар вазиятларда тезкорлик билан тактик режаларни ишлаб чиқиш ва бўлинмаларни моҳирона бошқариш кўникмаларини эгаллашга ёрдам беради. Курсантлар учун ахборот-ресурс маркази хизматда.

– Ўғлим Абдуғани мазкур таълим даргоҳида ўқишни тамомлаб, офицер деган шарафли номга сазовор бўлди, – дейди ЎзА мухбирига Ҳафиза Аҳмедова. – Битираётган ёшлар халқимиз осойишталигини сақлашдек муқаддас бурчини адо этишга йўл олмоқда. Бундан биз ота-оналар фахрланамиз. Ёшларимизга шундай шароитларни яратиб берган давлатимиздан, Президентимиздан миннатдормиз.

Тадбир сўнгида концерт дастури намойиш этилди.

Н.НАСРИЕВ

ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШ ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қўқон шаҳридаги "Elit konserva" масъулияти чекланган жамиятида мева-сабзавотни қадоқлайдиган тунука идишлар ва қопқоқлар ишлаб чиқариш, Олтиариқ туманидаги "Eco Export Trade" масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини саралаш, қуритиш ва сақлашга мўлжалланган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳалар вилоят экспорт салоҳиятини янада юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишда алоҳида аҳамиятга эга.

Бу йил Қува туманидаги "Фарғона анорзори" масъулияти чекланган жамиятида 50 гектарда янги анорзор барпо этилган. Анорзор қатор ораларига помидор, бодринг, булғор қалампири ва бошқа сабзавотлар, дуккакли экинлар экилган.

Агрофирма томонидан келгуси йилларда анорзорларни 2 минг гектарга, ҳосилдорликни 30 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Президентимиз Қува ва Дашнобод анори дунёга машҳур экани, ҳар иккала навнинг ўзига яраша хусусиятлари мавжудлигини таъкидлади. Анор чиқитсиз маҳсулот бўлиб, пўстлоғидан кимё саноатида ранг олишда, фармацевтикада хомашё сифатида фойдаланиш мумкин. Вилоятда анорзорларни кенгайтириш ва ушбу маҳсулот экспортини кўпайтириш юзасидан мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди.

Миллий банк томонидан вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар намойиш қилинди. Қиймати 64,4 миллион доллар бўлган ушбу лойиҳалардан 10 таси Хитой давлат тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан молиялаштирилган. Қолган 5 лойиҳани йил охирига қадар молиялаштириш кўзда тутилган. Бунинг самарасида 2017-2018 йилларда 68 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот қайта ишланиб, 25,7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади.

Давлатимиз раҳбари Учкўприк туманидаги собиқ консерва заводи негизида амалга оширилаётган лойиҳани ҳам кўздан кечирди.

Лойиҳа ташаббускори "Воллей Моунтаинс Фреш" масъулияти чекланган жамияти бўлиб, 10,5 миллиард сўм, жумладан, "Ипотека-банк"нинг 7,4 миллиард сўмлик кредити ҳисобига корхонанинг мавжуд қувватлари модернизация қилинади, мевани сақловчи музлатгич ва қадоқловчи ускуналар ўрнатилади.

2018 йилнинг биринчи чорагида лойиҳанинг биринчи босқичи, тўртинчи чоракда иккинчи босқичи ишга туширилади. Натижада минг тонна томат пастаси, шунча пюре ва концентрат, мева-сабзавот консервалари аҳоли истеъмоли учун етказиб берилади. Маҳсулот экспортга ҳам йўналтирилади. Лойиҳа 170 кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Президентимиз вилоятда қайта ишлаш саноатини ривожлантириш учун барча имконият, хомашё ва ишчи кучи мавжудлигини таъкидлади. Улардан унумли фойдаланиш, тармоққа тадбиркорларни кенг жалб этиш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Эркин Воҳидов номидаги Марғилон шаҳар маданият ва истироҳат боғини реконструкция қилиш лойиҳаси билан танишди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида ўзбек адабиётининг йирик вакили ижодий меросини ўрганиш, мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимиз бўйлаб шоирнинг 80 йиллик юбилейи кенг нишонланди. Марғилон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғига Эркин Воҳидов номи берилиб, қайта реконструкция қилинмоқда.

Истироҳат боғининг майдони 9 гектардан 16 гектарга кенгайтирилди. Боғнинг кириш қисмида ёзувчи-ижодкорлар хиёбони ташкил этиш, Эркин Воҳидов ҳайкалини ўрнатиш кўзда тутилган.

Турли тадбирлар ўтказиладиган амфитеатр, ош маркази ва бошқа инфратузилма объектлари барпо этиш белгиланган. Эркин Воҳидов номидаги ёш ижодкорлар мактаби очилади. Боғда турли аттракционлар ўрнатилиб, бир неча чойхона аҳолига хизмат кўрсатади.

Президентимиз қаҳрамон шоиримиз номи билан аталадиган ушбу боғ ҳар томонлама мукаммал бўлиши, уни ёшлар маънавиятини юксалтирадиган масканга айлантириш, хиёбонга Эркин Воҳидовнинг энг сара шеърларидан намуналар ёзилган лавҳалар ўрнатиш зарурлигини таъкидлади. Бу ерга келувчилар Эркин Воҳидов шеърларидан баҳраманд бўлсин, маънавий оламини янада бойитсин.

Шу ерда Фарғона вилояти шаҳарлари ва туман марказларини замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантириш бош режаси, Марғилонда туризмни ривожлантириш дастури, тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган лойиҳалар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Дастур доирасида уй-жой қуриш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация тизимлари, ижтимоий соҳа инфратузилмасини янада ривожлантириш соҳаларида ўнлаб лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Марғилон ҳунармандлар марказини ташкил этиш, соҳа ходимлари учун қулай солиқ имтиёзлари, зарур шарт-шароитлар яратиш, бошқа лойиҳаларни ҳам янада мукаммаллаштириш, қурилиш ишларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

22 июнь куни Марғилондан Қўқонга илк бор электропоезд ҳаракати йўлга қўйилди. Президентимиз ушбу поездда Қўқонга келди. Қўқон шаҳридаги "Шаффоф метан саноат" масъулияти чекланган жамиятида иқтисодий лойиҳалар билан танишди.

Халқимиз фаровонлиги юксалгани сари мамлакатимизда транспорт воситалари кўпайиб бормоқда. Уларнинг ёқилғисига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида сиқилган ва суюлтирилган газ баллонлар ишлаб чиқариш кенгайтирилмоқда.

"Шаффоф метан саноат" МЧЖ томонидан шу йўналишдаги замонавий корхона ташкил этиш режалаштирилган. Бунинг учун эски "Қўқонмаш" заводининг бўш турган биноларида замонавий технология ўрнатилади. Йилига 100 минг дона газ баллони ишлаб чиқариш ва автотранспорт воситаларига ўрнатиш йўлга қўйилади. Корхонада 30 иш ўрни яратилади.

Давлатимиз раҳбари ушбу маҳсулотларга бўлган талаб билан қизикди. Газ билан юрадиган транспорт воситалари кўпайса, бензин ва дизель ёқилғисига талаб камаяди. Натижада соҳадаги хизматлар арзонлашади, имкониятлар кенгаяди.

Маҳсулот таннархини арзонлаштириш, ишлаб чиқаришни икки баробар ошириш, соҳага ихтисослашган мутахассислар тайёрлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Қўқон шаҳрида ҳунармандликни ва туризмни ривожлантириш борасида ҳам қатор лойиҳалар белгиланган. Жумладан, ҳунармандлик ва заргарлик марказлари ташкил этиш, замонавий меҳмонхона қуриш режалаштирилган. Улар қатор солиқ имтиёзларига эга бўлади, аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шаҳарда амалга оширилиши режалаштирилган яна бир лойиҳа – Wi-Fi тармоғини барпо этиш лойиҳаси аҳоли ва сайёҳларга қўшимча қулайлик яратади.

Лойиҳалаштирилган тиббий хизмат ва стационар даволаш маркази инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу ерда АҚШнинг "Женерал электрик" компаниясининг замонавий тиббий жиҳозлари ўрнатилади. Марказ йилига 25 минг 500 кишини даволаш, 500 жарроҳлик амалиёти ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Президентимиз аҳоли саломатлиги билан боғлиқ бу мажмуа қурилишини тезлаштириш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев "Имано групп" корхонаси негизида полиуретан кўпламали тайёр чарм ишлаб чиқариш инвестиция лойиҳаси билан танишди. Лойиҳа амалга оширилгач, 250 иш ўрни ташкил этиш имконияти яратилади.

Бу соҳадаги мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланмаяпмиз, деди давлатимиз раҳбари. Тизимдаги корхоналарни барқарор хомашё билан таъминлаш зарур. Хом терини йиғиш, сифатли тайёрлаш ва қайта ишловчиларга етказиб беришга ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этиш керак.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, Қўқонда эркин иқтисодий зона барпо қилинмоқда. Ушбу ҳудудда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Иқтисодий зонага хорижий технология ва инвестицияларни жалб этиш, талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаш борасида кўрсатмалар берилди.

Шу ерда тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган, чиқиндиларни комплекс бошқариш кластерини ташкил этишга қаратилган лойиҳалар ҳам намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари Қўқон шаҳар театрини бориб кўрди. Мамлакатимизда маданият ва санъатни янада ривожлантириш, соҳанинг моддий-техника базасини замон талаблари асосида мустаҳкамлаш орқали аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга устувор аҳамият қаратилмоқда. Президентимизнинг жорий йил 31 майдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Қўқон шаҳар театри 1987 йилда қурилган. Театр биноси, жумладан, 750 томошабинга мўлжалланган зал замонавий таъмирланган.

Президентимиз ижодкорлар билан мулоқотда театрнинг халқ орасидаги обрўйи ва нуфузини янада ошириш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Театрни ҳақиқий маънавият ўчоғига айлантириш учун аввало яхши асарлар керак, деди давлатимиз раҳбари. Бунинг учун бу ерда таниқли санъат намоёндалари, драматурглар билан учрашувлар ташкил этиб, ижодий муҳит яратиш зарур.

Ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, улар учун алоҳида кўп қаватли уй-жой бунёд этиш, театрнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Актёр ва режиссёрларнинг малакасини ошириш, ёш мутахассислар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Фарғона филиали тажриба хўжалигида бўлиб, ғалла ўрими ва ғўза парваришини кўздан кечирди.

Фарғоналик деҳқонлар азалдан пахта ва ғалла етиштириш, боғдорчилик соҳасида катта тажриба тўплаган. Ғалла ўрими қизғин давом этмоқда. Ғўза парвариши агротехник тадбирлар асосида олиб борилмоқда.

Мазкур тажриба хўжалигида 21,3 гектарда ғўзанинг "ЎзФА-710", 9,2 гектарда ғалланинг "Яксарт" нави экилган. Хўжаликда ўгирмадан зиёд киши меҳнат қилади. Давлатимиз раҳбари ғалла йиғим-теримида иштирок этаётган фермерлар билан мулоқот қилди.

Нон – энг азиз неъмат. Ғаллачиликни ривожлантириш, истиқболли, серҳосил навларни яратиш, ҳосилдорликни ошириш бўйича барча чорани кўриш олимларимиз ва деҳқонларимиз олдидаги муҳим вазифалардандир. Бунинг учун фан ва амалиёт ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш зарур, деди Президентимиз.

Фарғона шаҳрида Президентимиз раислигида мутасадди раҳбарлар ва вилоят фаоллари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Унда вилоят иқтисодиётини янги босқичга кўтариш, инфратузилмани ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва турмуш даражасини янада ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу тадбирларда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастуридаги мақсад-вазифалар ўз ифодасини топди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фарғона вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

АДОЛАТ ВА ҚОНУНИЙЛИК – ХАЛҚ ВА МАМЛАКАТ ХОТИРЖАМЛИГИНИНГ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг 55 минг 416 таси суд органларига тегишлидир. Энг кўп мурожаатлар пойтахтимиз (21,8 фоиз), Тошкент (11,6 фоиз), Фарғона (9,4 фоиз), Қашқадарё (9,3 фоиз), Сурхондарё (9 фоиз) вилоятларидан келган. Мурожаатларнинг катта қисми – 52,2 фоизи судларда фуқаролик ишлари кўрилишига оид.

Мазкур сайёр қабул ҳам бир ҳақиқатни – Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳаётнинг ўткир эҳтиёжи ва талаби маҳсули эканини яна бир бор амалда намоён этмоқда. Чунки аксарият мурожаатда аҳоли ўзи ё оиласи билан боғлиқ суд қарорларидан норозилик билдирмоқда. Албатта, бу барча шикоятчи ҳақ эканини билдирмайди, бироқ айрим мурожаатчиларнинг йиллар давомида саргсон-саргардон юргани, уларнинг ўнлаб шикоятлари беиз кетганига гувоҳ бўлиб, фуқаролар ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда чиндан ҳам муаммолар йиғилиб қолганига амин бўлиш мумкин.

Айни пайтгача Ички ишлар вазирлигига 93 минг 484, Бош прокуратурага 50 мингдан зиёд, Адлия вазирлигига 43 минг 245, Давлат солиқ қўмитасига 6 минг 273, Давлат божхона қўмитасига 1 минг 41 мурожаат келиб тушган. Бунда аҳоли ва тадбиркорлар Ички ишлар вазирлигига асосан фуқаролик паспорти (14,6 фоиз), Бош прокуратурага иш ҳақини ундириш (15,1 фоиз), Адлия вазирлигига алимент ундириш (47,8 фоиз), Давлат солиқ қўмитасига солиққа тортиш билан боғлиқ масалалар (22,3 фоиз), Давлат божхона қўмитасига хизматдан ноқонуний бўшатилганлик, хизматга қайта тиклаш, Олий ҳарбий божхона институтига ўқишга кириш (35 фоиз) ҳамда божхона назоратини ўтказиш ва расмийлаштирув (30,1 фоиз) тўғрисида мурожаат қилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати ўтказган ўрганиш натижалари айрим давлат органларида баъзи мансабдор шахсларнинг мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқмаслиги ва мурожаатчига жавоб бермаслиги ёки сифатсиз ўрганиши каби ҳолатларга йўл қўйиб келинаётганини кўрсатмоқда. Айрим ҳолларда мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ягона тартиб ва қоидаларни қўллаш амалиёти, ижронинг ички назорат механизмлари йўқлиги, мурожаатлар билан ишлашда юзаки ёндашув ҳолатлари Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатлар кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг прокуратура, ички ишлар, суд органлари ходимлари билан ўтказган йиғилишларида мазкур соҳаларда тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларга танқидий баҳо берилиб, уларнинг сабаб ва илдизлари атрофлича таҳлил қилингани муаммолар ечимида муҳим омил бўлмоқда. Халқимиз кўз ўнгида бу борадаги масалалар ҳал қилинмоқда. Бу давлат идоралари халқимизга хизмат қилмоқда деганидир.

Мазкур сайёр қабулнинг ўзига хослиги – бунда деярли барча масала, у суд ёки прокуратура, ички ишлар ёки адлия, солиқ ёхуд божхона масалалари бўлишидан қатъи назар, қўшимча ўрганиш ва текширишларни талаб қилади. Суд адолатли ё адолатсиз қарор қабул қилгани, тергов ишларида хато-камчиликлар бор-йўқлиги – буларни аниқлаш, адолатли якуний қарор қабул қилиш учун вақт керак, албатта.

Отабек Йўлдошев ветеринар врач. Унинг раҳбарлигидаги "Deep Forest Animals" МЧЖ шу йил 3 апрелда иш бошлаган. Бу ерда ветеринария клиникаси, аптекаси ва дўкони бор. Айтишича, тадбиркорлик фаолиятини энди йўлга қўйгани боис бир ўзи ишлайди: директор ҳам, ветеринар ҳам, сотувчи ҳам, кассир ҳам ўзи. Шу йил 5 май куни бир мижоз ветеринария дорисига 7 минг сўм тўлаётган пайтда кўнгилсизлик юз беради – сал аввал операция қилинган мушуклардан бири қафасдан бўшалиб, наригисига ташланади. О.Йўлдошев уларни ажратишга шошилади ва дори олган мижоза назорат-касса машинасининг тўлов чекини ўз вақтида бера олмайди. Шу воқеа устига давлат солиқ идораси ходимлари текширувга келиб қолади.

– Мушукларни тинчлантириб, 7 минг сўмни назорат-касса машинасига кирим қилдим, бироқ солиқ идораси вакилларига буни тушунтира олмадим, – дейди О.Йўлдошев. – Бундай текширувга илк марта дуч келганим учун қўрқиб қолгандим: тушунтириш хати ёзиб бериб, барча ҳужжатга қўл қўйдим. Бироқ шу йил 31 май куни Мирзо Улуғбек тумани давлат солиқ инспекциясидан 5 миллион сўмдан ортиқ жарима қоғози келгач, яна шокка тушиб қолдим. Энди иш бошлаганман, бунча пулни тўлай олмайман. Судга берай десам, аксига олиб, клиникамиздаги кузатув камераси куйиб қолган, асл вазиятни исботлаб беришим қийин. Тўғри, айб мендан ўтган, мижозга ўз вақтида тўлов чекини бера олмадим, бироқ бунинг сабаби бор-ку. Бугунги сайёр қабулда мутасаддилар бу борадаги мурожаатимни ўрганиб, вазиятни қайта ўрганиб чиқишга ваъда берди.

Янгийўллик Қория Эргашева 78 ёшда. Унинг невараси Қодиржон ёшлигидан спорт билан шуғулланади, шу йўналишдаги касб-ҳунар коллежини тамомлаган, ички ишлар ходими бўлмоқчи. Бу – онахоннинг ҳам орзуси. Бироқ Қодиржон икки йилдан бери ички ишлар тизимига ишга кира олмаяпти.

– Шунинг сабабини ҳеч билолмадик-да, икки йилдан бери неварамдан ҳам кўра мен сиқилиб кетдим, шунинг учун бугунги сайёр қабулга бирга келавердим, – дейди Қория момо. – Мутасаддилар бугун арзимизни тинглаб, назоратга олди. "Онахон, сиқилманг, агар барчаси жойида бўлса, тез кунда ижобий ҳал қиламиз", дейишди.

Малика Ҳамидова 1969 йили Қирғизистоннинг Ўш вилояти Аравон туманида туғилган. 1989 йили Тошкент шаҳрига келиб, шу ерда яшаб қолган. Бироқ унинг фуқаролиги ҳам, паспорти ҳам, бирор жойда доимий пропискаси ҳам, уй-жойи ҳам йўқ. Қизи Муштарий Тошкент шаҳрида туғилган, ўтган йили коллежни битирди, бироқ ҳалигача паспорт ва диплом олмаган. Она-бола Яшнобод туманида бир танишининг уйида вақтинча яшамоқда.

Уларнинг муаммоси анча чигал. Мутасаддилар бунинг ечимини бир неча босқичда кўрмоқда.

– Даставвал Чирчиқ шаҳар ҳокимлигига тақдимнома киритиб, уларга оилавий ётоқхонадан жой ажратилишига ёрдам берамиз, бу уйдан фойдаланиш ҳуқуқи берилгач, шу асосда улар вақтинча рўйхатга олинади, – дейди Тошкент вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғининг ўринбосари, подполковник Хушнуд Боқиев. – Сўнг уларни доимий прописка қилиш, паспорт билан таъминлаш ва фуқароликни расмийлаштириш масалалари кўриб чиқилади.

...Адолат ва қонунийлик – халқ ва мамлакат хотиржамлигининг асоси. Бундай очиқ мулоқотлар ҳар бир нарсани ўз номи билан айтиш – ноҳақдан ҳақни, оқ ва қорани ажратишда, фуқароларнинг қонуний мурожаатларини қисқа муддатда синчиклаб кўриб чиқиб, ҳал этишда давлат органлари ва аҳоли учун бирдай катта мактаб бўлмоқда. Адолатнинг катта-кичиги бўлмайди. Кўлами, моҳият-эътиборидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳаётида лоақал битта масала ечилса, бирники мингга татийверади. Зотан, ҳар бир мурожаат ўзаро мулоқотга, мулоқот эса қизғин муҳокамага йўл очади, бу билан жамиятимизда адолат барқарорлиги таъминланади, адолат бор жойда шикоятга ўрин қолмайди...

Умид ЁҚУБОВ,
ЎзА мухбири

МОЛИЯВИЙ КЎМАК

КИЧИК БИЗНЕС ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг бизнес фаолиятини ривожлантиришда молиявий жиҳатдан кўмаклашишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес ҳамда эндигина тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўяётганлар учун ажратилаётган имтиёзли кредитлар бунинг исботидир.

Хусусан, "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан жорий йилда аҳолининг тадбиркорликка бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 753 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида қарийб 30 минг янги иш ўринлари яратилди.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида таъкидлаб ўтилди.

Жорий йилда банк томонидан аёллар тадбиркорлиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш ҳамда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 578 миллиард сўм ажратилди.

Анжуманда банк томонидан фуқаролар ва тадбиркорларнинг ишончини оқлаш ва уларга кўмакдош бўлиш борасида қатор ишлар олиб борилаётганлиги айтиб ўтилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 496 минг хонадонга кириб, уларнинг имкониятлари ўрганилди. 362 та маҳаллаларда семинарлар ўтказилди. 24 мингдан зиёд тадбиркорлик қилмоқчи бўлган ва кредитга эҳтиёжи бўлган хонадон эгаларига 175 миллиард сўм имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 27 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

– Бугунги кунда энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача бўлган миқдорда, 3 йил муддатга имтиёзли микрокредитлар берилмоқда, – дейди "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг кичик бизнес субъектларини кредитлаш бошқармаси бошлиғи Нурбек Ҳусанов. – Ушбу кредитларнинг устамаси тадбиркор битта иш ўрни яратса 9 фоиз, иккита иш ўрни яратилганда 8 фоиз, уч ёки тўртта иш ўрнига 7 фоиз, беш ва ундан ортиқ иш жойи яратилганда 6 фоизни ташкил этади.

Тадбир давомида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари

КОМИССИЯЛАР ИШИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ҳамкор ташкилотлар билан бирга жойларда ташкил этилаётган ўқув-семинарларда мазкур комиссияларнинг фаолиятини давр руҳига ҳамоҳанг йўлга қўйиш масалалари диққат марказида турибди. Ана шундай ўқув-семинар пойтахтимиздаги Яшнобод туманида бўлиб ўтди.

Семинарда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда маҳаллаларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини тобора юксалтириш, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида яраштириш, маънавият ва маърифат, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар билан ишлаш, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт, тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамоатчилик назорати ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик комиссиялари фаолият кўрсатмоқда.

– Ҳар бир комиссия фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқ, – дейди ЎзА мухбирига Яшнобод туманидаги "Янги давр" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳром Худоёров. – Маҳаллада тузилган ишчи гуруҳи томонидан оилалардаги муҳит атрофлича ўрганилди. Ҳудудимиздаги ўттизга яқин корхона ва ташкилот, 27-оилавий поликлиника, 156-умумтаълим мактаби, 416- ва 129-мактабгача таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўрганилган долзарб масалаларга ўз вақтида ечим топилмоқда.

Ўқув-семинарда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қонунчиликнинг аҳамияти, жамоатчилик комиссияларининг долзарб вазифалари ҳақида сўз юритилди.

Н.УСМОНОВА

Тошкент шаҳар 1-сонли никоҳ уйида "Соғлом оила – обод келажак пойдевори" деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



ОБОД КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Мазкур тадбир Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси "Анемия ва лейкемия" хайрия жамоат фонди ва Тошкент шаҳар 1-сонли никоҳ уйи томонидан "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида уюштирилди. Унга Яккасарой туманида жойлашган Енгил саноат ҳамда "Меҳр-шафқат" касб-ҳунар коллежлари ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 2-сонли академик лицей ўқувчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси "Анемия ва лейкемия" хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси Шожалил Шорахмедов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти ходими, тиббиёт фанлари номзоди Дилором Маҳмудова ва бошқалар республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро, айниқса, ёш авлод жаннатмакон юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-хотиржамликнинг қадрига етиши ва ана шундай неъматни асраб-авайлаш ҳозирги таҳликали замонда ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи лозимлиги, оиланинг муқаддаслиги, турмуш қуришдан олдинги тиббий кўрик мажбурий эканлиги ҳамда фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб воя-га етишида ота-она, маҳалла-кўй, таълим масканининг тутган ўрни ўта аҳамиятли эканлиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

— Бугунги тадбиримизни ўтказишдан асосий мақсадимиз ёшларимизда оила муқаддаслиги тушунчасини шакллантиришдан иборат. Чунки, ҳозирги даврга келиб, уларнинг орасида оила ва никоҳга масъулият билан қарамайдиган айрим ноқобил ёшлар ҳам пайдо бўлаётгани ачинарли ҳол. Бу каби миллатимизга хос бўлмаган ишларнинг олдини олишда ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти катта. Зеро, фарзандларимизнинг келажакда маънан етук, салоҳиятли, соғлом ва баркамол авлод ҳамда оиласини муқаддас санайдиган ёшлар бўлиб тарбия топишлари учун барчамиз масъулмиз, — дейди Тошкент шаҳар 1-сонли никоҳ уйи мудираси Мастуба Садритдинова.

— Аввалambор, ёшларимиз турмуш қуришдан олдин ўз ҳунари, билим ва салоҳиятига ишонган тақдирдагина оила қуришлари лозим. Ана шундагина улар жисмонан соғлом, руҳан тетик ва интеллектуал салоҳияти баланд фарзандларни дунёга келтиришлари мумкин. Шу боис ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини коллеж ва академик лицейда ўқиётган даврдаёқ ҳосил қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси "Анемия ва лейкемия" хайрия жамоат фонди волонтёри Ҳафиза Маҳмудова.

Шунингдек, тадбирда "Соғлом турмуш тарзи ва оила", "Соғлом авлод асослари", "Эрта никоҳнинг ҳамда яқин қариндошлар орасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари", "Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш", "Оила ва никоҳ" каби мавзулардаги маърузалар йиғилганларга ҳавола қилинди.

Учрашув якунида тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича мутахассислардан атрофлича тушунчалар олдилар.

Бахтиёр ЖЎРАЕВ

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЭЛ-ЮРТ МАНФААТИ

Жамиятда бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини юксалтириш, миллатлараро ва конфессиялараро ҳамжиҳатликни, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан дўстона, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Конституциямизда мустаҳкамланган фуқароларнинг ирқи, миллати, тили, эътиқоди, шахси ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, қонун олдида тенглиги тамойиллари ҳамда турли миллат ва элатлар вакилларининг тили, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, уларни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга асосланади.

Президентимизнинг жорий йил 19 майдаги "Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш мақсадида жойларда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири куни кеча Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Республика бошқаруви ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Сувсоз" ДУК билан ҳамкорликда "Ўзбекистон – умумий уйимиз" мавзусида ўтказилди.

Тадбирда "Нуроний" жамғармаси бошқаруви раиси Ш.Жалилов ва бошқалар мамлакатимизда нуроний кексаларга бўлган эътибор, уларга яратилаётган шарт-шароитлар, бой тажрибага эга кексаларимиз томонидан оилаларни мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида соғлом маънавий муҳитни яратиш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида атрофлича сўз юритилди.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Б.Каримов ўз маърузасида мазкур Фармон жамиятда барқарорлик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш, фуқаролар онгида кўп миллатли ягона оилага мансублик туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янада ривожлантириш, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга қаратилганини таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 130 дан ортиқ миллат ва элатлар, 138 та миллий маданий марказ фаолият юритиб, турли миллат вакилларидан 120 дан ортиғи давлат мукофотлари соҳиби бўлиб, улардан 14 нафари "Ўзбекистон Қаҳрамони" юксак унвонига эга эканлиги ҳақида маълумот берди.

Шарқшунос олима М.Юнусхўжаеванинг "Дўстлик ришталари тарих саҳифаларида" деб номланган маърузасида буюк аждодларимиз – Амир Темур, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ал-Фаробийларнинг авлодлар учун қолдирган бой маънавий, маданий мероси, тарих саҳифаларидаги ёшлар учун ибратли бўлган ишлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Корхонанинг "Камолот" ЁИҲ бошланғич ташкилот етакчиси Н.Абдушоҳидов кўпни кўрган, ҳаёт синовларида тобланган, нуронийларнинг ҳаёт тажрибаси ёшлар учун ибрат эканлиги, ёшлар онгида оила маданияти, унга содиқлик, оилани асраш туйғусини шакллантиришда кексаларимизнинг панду насиҳатининг алоҳида аҳамиятга эгалигини яна бир бора таъкидлаб ўтди.

Юқори савияда ташкил этилган ушбу тадбир барчада илиқ таассурот қолдирди.

Гулчеҳра КАРИМОВА

Реклама ва эълонлар

Шайхонтоҳур туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 132-сонли қарори асосида Шайхонтоҳур туманидаги умумий ўрта таълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида мактаб ошхоналарини ижарага бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Танловда иштирок этувчилар аризалари 2017 йил 10 июндан бошлаб 10 июль соат 18:00 га қадар Шайхонтоҳур тумани, Марказ 14, 17а-уй ШТХТМФМТТЭ бўлимида қабул қилинади. Танловда давлат рўйхатидан ўтган, умумий овқатланиш бўйича камида олти ой давомида фаолият юритаётган, махсус моддий-техник базаси (замонавий технологик жиҳозлар),озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танлов 2017 йилнинг 28 июль куни соат 11:00 да Шайхонтоҳур тумани, Марказ 14, 17а-уй (Шайхонтоҳур тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими)да бошланади.

Танловга оид қўшимча маълумотлар билан shayxontohur@uzedu.uz сайти орқали танишишингиз ва (99871) 244-65-03 телефонлари орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Ошхонаси танловга қўйилаётган Шайхонтоҳур туманидаги таълим муассасаларининг рўйхати ва манзиллари

№	Мактаб №	Манзили
1	10	Шайхонтоҳур кўчаси, 105-уй
2	13	С.Дарвоза кўчаси, 83-уй
3	19	Лабзак мавзеси
4	20	Тахтапул кўчаси, 26-уй
5	34	Бешёғоч даҳаси, 7-уй
6	37	Абай кўчаси, 7-уй
7	39	Шуманай тор кўчаси, 16-уй
8	40	Маннон Уйғур кўчаси, 345-уй
9	41	Маннон Уйғур кўчаси, 101-уй
10	42	Абдулла Қодирий кўчаси, 332-уй
11	45	Ўзгариш кўчаси, 58-уй
12	59	Х.Раҳматуллаев тор кўчаси, 1-уй
13	82	Чорсу мавзеси, 1а-уй
14	84	Бунёдкор кўчаси, 2а-уй
15	85	С.Дарвоза кўчаси, 103-уй
16	92	Тинчлик 3-тор кўчаси, 39-уй
17	102	Боғкўча мавзеси, 27-уй
18	113	Шомаҳмудов кўчаси, 105-уй
19	115	Лабзак мавзеси, 40-уй
20	132	Қаюмқори кўчаси, 1-уй
21	136	4-пр Улуғбек кўчаси, 29-уй
22	141	Шерозий кўчаси, 43-уй
23	157	Мужрим Обид кўчаси, 3-уй
24	167	Раҳмат Файзий кўчаси, 2-уй
25	169	Бедил кўчаси, 1-уй
26	180	Увайсий кўчаси, 7-уй
27	186	Махтумқули кўчаси, 36-уй
28	192	Кўрғонча кўчаси, 7-уй
29	254	Оқтепа даҳаси, 12-уй
30	262	Ибн Сино-1 мавзеси
31	276	Ибн Сино-2 мавзеси, 2-уй
32	299	Жарариқ мавзеси
33	314	Белтепа 5-тор кўчаси, 52-уй
34	316	Белтепа мавзеси, 20-уй
35	320	Жарариқ мавзеси
36	324	Қоратош мавзеси, 2-уй

Гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиги

Миллат генофондини асраш, уни турли зарарли иллатлардан ҳимоя қилиш халқимиз, давлатимизнинг эзгу мақсади.

Ушбу офатга қарши курашиш борасида мамлакатимизда изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили июнда гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиги ўтказиб келинаётир.

ЎзА мухбири **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори Аҳмад МАНСУРОВ** билан бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.

– Аҳмад Ёқубжонович, гиёҳвандликка қарши курашиш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

– Мамлакатимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши алоҳида эътиборда. Тегишли қонун ҳужжатларида гиёҳвандликнинг олдини олиш, ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандлик каби зарарли иллатларга қарши курашиш чоралари белгиланган.

Наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашиш, унинг ноқонуний айланишига чек қўйиш борасида ҳуқуқ-тартибот органлари зарур чораларни кўрмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва оммалаштиришга муносиб ҳисса қўшаётир.

Профилактик тадбирларда таъсирчан воситалар – кинофильм ва видеоматериаллар орқали аҳоли гиёҳвандликнинг оғир оқибатларидан хабардор қилинмоқда. Бу ёшларда ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга кўмаклашаётир.

Президентимиз томонидан ҳар ҳафтанинг пайшанба куни – профилактика куни деб белгиланган турли ғайриижтимоий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган ишларни янада жадаллаштирди. Ушбу йўналишда кўрилаётган чоралар самарасини баҳолаш учун нарковазиятнинг асосий эпидемиологик кўрсаткичларига эътибор беришимиз мумкин. Жумладан, мамлакатимиздаги наркология муассасаларида гиёҳвандликка чалинганлиги муносабати билан рўйхатга олинган шахслар сони камайиб бориш тенденцияси давом этмоқда. Айниқса, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик билан боғлиқ янги қайд этилган ҳолатлар камайди.

– Гиёҳвандлик моддаларини ўтказиш ва сотиш ҳолатлари кўпроқ қайси ҳудудларга тўғри келмоқда? Шу кунгача қанча гиёҳвандлик моддалари қўлга олинган?

– Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 2016 йил давомида наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ 6,6 мингдан зиёд жиноят аниқланган. Бу борада юқори кўрсаткичлар Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига тўғри келди. Жорий йилнинг биринчи чорагида 1,3 мингдан зиёд ушбу тоифадаги жиноят қайд этилган. Уларнинг салмоқли қисмини гиёҳванд воситаларни ўтказиш ва сотиш жиноятлари ташкил этган.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан наркотик моддалар контрабандаси ва олди-сотдиси билан шуғулланаётган гуруҳларни аниқлаш ва фаолиятига чек қўйиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказилмоқда. Масалан, ўтган йили Тошкент вилоятининг Зангиота туманида опий моддасини сотиш билан шуғулланаётган жиноий гуруҳ қўлга олинган ва жами 9,4 килограмм опий мусодара этилган. Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида ўтказилган "Қорадори – 2016" тадбири давомида икки фуқародан 2 килограммдан ортиқ героин олинган.

2016 йил давомида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан аниқланган жиноятлар бўйича 3,5 тоннадан зиёд наркотик воситалар мусодара қилинган.

– Гиёҳвандликка қарши курашиш борасида халқаро ҳамкорлик қандай йўлга қўйилган?

– Наркотик моддаларнинг суиистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган комплекс чоралар дастурида халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш масалалари алоҳида ўрин олган. Ўзбекистон Республикаси томонидан гиёҳванд моддалар назорати соҳасидаги икки ва кўптомонлама ҳамкорликка оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги мажбуриятларга доир фаолият давом этмоқда.

Ўзбекистон ва Словакия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида тезкор маълумотлар алмашишнинг амалий механизми жорий этилди. Шу мақсадда 2016 йил 20 сентябрь куни Тошкент шаҳрида икки давлат ҳукуматлари ўртасида "Гиёҳванд воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишда ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида"ги битим имзоланди.

Халқаро ҳамкорлар кўмагида мутасадди ташкилотларнинг моддий-техник ва кадрлар салоҳиятини оширишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиё давлатлари учун 2015-2019 йилларга мўлжалланган дастури доирасида Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда афғон наркотиклари контрабандасига қарши курашиш мақсадида идоралараро мобиль гуруҳларни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳа қиймати 2,5 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Дастур доирасида "Ўзбекистоннинг эксперт-криминалистика лабораториялари салоҳиятини ошириш" лойиҳаси устида ҳам иш олиб борилмоқда. Лойиҳа доирасида республика эксперт-криминалистика лабораториялари учун ISO-17025 халқаро стандарти сертификатини олиш ва лаборатория асбоб-ускуналарини янгилаш кўзда тутилган.

БМТ ва НАТО ҳамкорлик лойиҳаси доирасида 4 ўқув машғулоти ташкил этилиб, мазкур тренингларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг 50 ходими иштирок этди.

Халқаро ҳамкорлар кўмаги ва хорижий мутахассислар иштирокида тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг 204 ходими гиёҳвандликнинг тарқалиши, наркотрафик ва наркотик моддаларга қарши курашиш йўналишида ўтказилган тренинг ва семинарларда қатнашди. Шу жумладан, 119 нафари хорижий давлатларда ташкил этилган семинарларда иштирок этди.

– Дунё миқёсида наркотик моддалар айланиши борасида аҳвол қандай? Наркотик моддаларнинг қайси турлари кўпроқ учрамоқда?

– Дунё бўйича нарковазиятга салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири Афғонистонда етиштириладиган наркотик воситалар бўлиб қолмоқда. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг сўнгги тадқиқотига кўра, 2016 йилда Афғонистонда кўкнори экиб етиштириладиган майдонлар 201 минг гектарни ташкил этиб, 2015 йилга нисбатан 10 фоиз кўпайган.

Наркотик моддаларнинг ноқонуний бозорида янги турдаги сунъий психофаол воситалар, яъни "спайс" тарқалиши тенденциялари кузатилмоқда. Гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқарувчи жиноятчилар қонун олдида жавобгарликдан қутулиш учун уларнинг кимёвий таркибини ўзгартириб, назоратга олинмаган синтезлашган аналогини ишлаб чиқариб, уларнинг ноқонуний бозорда тез тарқалишига ҳаракат қилмоқда.

Ҳозирги кунда БМТнинг тегишли тузилмалари томонидан янги психофаол воситаларнинг рўйхатини тузиш устида иш олиб борилмоқда.

– Марказ келгусида қандай ишларни амалга оширишни режалаштирган?

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган "Наркотик моддаларнинг суиистеъмоли ва ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган комплекс чоралар дастури"да белгиланган чора-тадбирларни мувофиқлаштириш, шу йўналишдаги ишларни кучайтириш марказимиз олдида турган муҳим вазифалардан.

Шу кунларда мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиги доирасида қатор тадбирлар амалга оширилаётир. Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида мавзуга оид кўрик-танловлар, маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот ва соғлиқни сақлаш идораларининг вакиллари иштирокида учрашувлар ўтказилмоқда. Оммавий ахборот воситаларида махсус кўрсатув ва эшиттиришлар берилиб, мақолалар эълон қилинмоқда. Ноқонуний муомаладан олиб мусодара этилган гиёҳвандлик воситалари ёқилади.

Наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига ва гиёҳвандликнинг тарқалишига қарши курашиш чораларини мувофиқлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссиялари котиблари учун семинар-тренинглар ўтказилмоқда.

Бундай чора-тадбирлар нафақат ойлик доирасида, балки мунтазам давом эттирилади. Зеро, булардан кўзланган мақсад гиёҳвандликнинг салбий таъсиридан аҳоли, айниқса, ёшларимизни ҳимоя қилишдир. Бу омиллар пировардида халқимизнинг соғлом ҳаётини таъминлашга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА
суҳбатлашди

САОДАТЛИ ВА ГЎЗАЛ ҲАЁТ

бунда гиёҳвандлик ва наркобизнесга ўрин йўқ

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг транспорт бўлимига тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 4-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари тақроран қўйилмоқда.

1."Газ 31105" русумли, давлат рақами 01/044 РРР, 2005 йилда и/ч. бошланғич баҳоси- 16 500 000 сўм 2."Газ 31105" русумли, давлат рақами 01/106 РРР, 2005 йилда и/ч. бошланғич баҳоси- 16 500 000 сўм 3."Газ 31105" русумли, давлат рақами 01/136 РРР, 2005 йилда и/ч. бошланғич баҳоси- 16 500 000 сўм, 4."Нексия" русумли, давлат рақами 01/144 РРР, 2006 йилда и/ч. бошланғич баҳоси- 15 600 000 сўм, 5."Юк автомобиль Газель 330210" русумли, давлат рақами 01/099 РРР, 1995 йилда и/ч. бошланғич баҳоси-33 800 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 30 июнь куни соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 28 июнь куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 30 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори 10 фоиз.

II. Бектемир туман ободонлаштириш бошқармасига тегишли, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Чирчиқ бўйи кўчаси, 3-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. "Краз-250" русумли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01/042 LCA. Бошланғич баҳоси – 22 039 000 сўм.

2. "Коток ДУ-47" русумли. Бошланғич баҳоси – 11 298 000 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 24 июль соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 21 июль куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори 15 фоиз.

III. "Тошшаҳарнур" ДУКга тегишли жами 107 дона, 11 метр ўлчамдаги электр столбалар қўйилмоқда (ишлатилган) ҳар бирининг бошланғич баҳоси – 740 400 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 24 июль соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 21 июль куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори 10 фоиз.

Юқорида кўрсатилган савдоларда иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувда белгиланган миқдордан кам бўлмаган закалат пулини "RMM" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Гувоҳнома №001805

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан "AMALIY SAN`AT MUZEYI" га (ИНН 201248340), 30.11.2004 йилда берилган №001368-11 реестр рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 26

Ўзбекистон
РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "PRESS KLUB".
07.35 "Ватанпарвар".
08.00 "Таҳлилнома".
08.40 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
09.20 Анонс.
09.25 "Ҳунар сирлари".
09.45 "Минг бир жон". В/ф.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.55 Анонс.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Шаҳарлик куёв". Теленовелла.
13.50 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Қишлоқ ҳаёти".
14.35 Анонс.
14.45 "Кунларнинг бирида..."
15.00 "Олий қадрият".
15.20 "Мўъжизалар макони".
15.50 Анонс.
16.00 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
17.45 "Имконият".
18.05 Анонс.
18.10 "Ибратга йўғрилган умр".
18.50 "Қисмат битиги". Т/с.
19.25, 20.00, 20.50 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.05 "Бизнес старт".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 23.45 "Мафтунингман". Б/ф.
23.45 "Ибратга йўғрилган умр".
00.20 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
01.00 "Ахборот" /рус./.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Абадият чархи". Б/ф.
03.50 Анонс.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Вақт қадри".
05.10 "Ҳунар сирлари".
05.30 – 05.55 "Бизнес старт".

Ёшлар
06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Шарқ гавҳари".
07.30 "Ош бўлсин!".
07.50 "Табассум қил!".
08.10 "Улфатлар". Б/ф.
09.50 "Ҳаёт қадри".
10.10 "Маҳаллада дув-дув гап". Б/ф.
11.40 "Табассум қил!".
12.10 "Дугонажонлар". Т/с.
13.00 "Қалпоқ". Ҳажвия.
13.30 "Тандир". Б/ф.
14.50 "Табассум қил!".
15.30 "Дугоналар".
16.10 "Мафтунингман". Б/ф.
17.30 "Табассум қил!".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
18.50 "Огоҳ бўлинг!".
19.00 "Давр".
19.30 "Бобур". Т/с
20.50 "Табассум қил!"
21.10 "Дугонажонлар". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Катта ҳовли". Б/ф
00.10 "Мўъжизавий дунё"
01.00 "Афсона ва ҳақиқат"
04.30 "Ўзбек адабиёти"
05.30-06.00 "Давр"

Тошкент
05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
06.00, 08.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
06.50 "Пойтахт-Hi-tech".
07.00 "Мобильная камера".
07.15 "Тошкент вақти".
09.00 "Poytaxt-madaniyat".
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 Миллий кино: "Ёр-ёр".
11.25 "Тошкентнома".
11.40 "Биз буюк юрт фарзандларимиз".Х/ф.
12.15 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
12.50 "Мустаҳкам ришталар".
13.30 "Кинотақдим".
14.15 "Тошкент вақти".
15.00 "Poytaxt-sport".
16.50 "Оҳангларда яшайман ҳамон". Х/ф.
17.30 "Мобиль камера".
17.45 "Пойтахт-культура".
18.20 "Рангли телевизор".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Йўл". Видеофильм.
20.20 "Китобхон". .
21.00 "Мустақиллик иншоотлари".
21.30 "Poytaxt-Hi-tech".
21.45 "Телемаркет".
22.20 Миллий кино: "Келинлар кўзғолони".
23.40 "Тошкентнома"
00.05 "Мустаҳкам ришталар".
00.40 "Йўл". Видеофильм.
01.15 "Мен сизга айтсам".
02.15 "Рангли телевизор".
02.45 "Ҳикматли дунё": "13-палата".
03.15 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт
06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Камолот спорт".
06.40 "Ифтихоримсан, спорт!".
07.00 "Sport-online".
08.00 Талқин (ўзб.).
08.30 Футбол. Конфедерациялар кубоги. Германия-Камерун.
10.20 "Техноспорт".
10.30 Хабарлар (ўзб.).
10.35 "Формула-1" Асосий пойга.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Хабарлар (ўзб.).
13.10 Футбол. Олий лига. "Бунёдкор" – "Локомотив".
15.00 Хабарлар (ўзб.).
15.10 "Формула-1" Асосий пойга.
16.05 "Спорт сабоқлари".
16.35 Теннис. WTA – ATP турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Болалар спорти".
18.30 Хабарлар (рус.).
18.50 "Ғайратидан ўт чақнаган мард йигитлар".
19.10 "ФИФА".
20.00 "Эътироф".
20.15 "Спорт- маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб.) .
20.55 "Дилдаги гаплар".
22.00 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
23.05 "ФИФА".
00.00 Мадҳия.
00.05 Волейбол. Жаҳон лигаси.
01.30 Хабарлар (рус.).
01.50 "Шоҳсупага йўл".
02.25 "Техноспорт".
02.40 "Машҳурлар".
03.15 Волейбол. Жаҳон лигаси.
04.40 – 06.00 Теннис. WTA – ATP турнири.

Маҳалла
06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Мафтуна".
06.35 Кексалар даврасида: "Қариси бор уй".
07.00 "Бирга соғлом бўлайлик".
07.15 Миллий кино. Умид".
08.40 "7 кун нафаси".
09.00 "Мўъжаз Ватан".
09.30 "Илҳом мавжлари".
09.55 "TV анонс".
10.00 Миллий кино. "Тўйлар муборак".
11.00 "Икки йўл орасида".
11.30 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу
12.15 "Маҳалламиз спортчилари".
12.40 "Аслидек асрайлик".
13.05 "Маҳалламиз маликаси".
13.45 "Ҳаракатда барака".
14.10 "Жамият ва ҳуқуқ".
14.35 "Маҳалладошлар".
15.00 Миллий сериал. "Чемпионлик орзуси" .
15.35 Зиё дарғалари: "Илм қудрати".
16.00 "Фермер".
17.00 "Жавондаги жавоҳир"
17.05 Миллий сериал. "Меҳмонжонлардан айланай"
17.35 "Меҳнат ҳуқуқи".
18.00 "Аждодлар хазинаси".
18.30 "Кадр топган қадриятлар".
18.55 "TV анонс".
19.00 Миллий сериал. "Фидойилар".
19.40 Кексалар даврасида: "Саодатли умр".
20.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
20.50 "Кун нафаси".
21.00 "Сиз билан бирга".
21.25 "TV анонс".
21.30 "Осуда ҳаёт".
22.00 Миллий сериал. "Саодат".
22.45 "Меҳригиё". Ток-шоу
23.35 "Эҳтиёж формуласи".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Мафтуна".
00.35 "Бизнес ва тараққиёт".
01.00 "Қайнона бисотидан".
01.30 "Таҳлил ва талқин".
02.00 "Томорқам хазинам".
02.30 "Табаррук анъана".
03.00 Миллий сериал. "Чемпионлик орзуси" .
03.35 "Етти хазина".
04.00 "Машварат".
04.30 "Ноёб институт".
05.00 Миллий сериал. "Меҳмонжонлардан айланай"
05.35 – 06.00 "Биламиз-ку аммо...".

Болажон
07.00 "Салом, болажон!".
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Табиатшунос болажон".
07.50 "Топағон болажон".
08.10 "Бола бошидан".
08.30 "Болалар учун фильм".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Bravo English!".
10.50 "Мультипанорама".
12.10 "Ширинтой-кичкинтойлар".
12.30 "Мультипанорама".
13.30 "Боғбон болажон".
14.00 "Мультипанорама".
15.30 "Миттивойлар мусобақаси".
15.50 "Сеҳрли кўллар".
16.00 "Болалар учун фильм".
17.30 "Саргузаштлар ороли".
17.50 "Мультипанорама".
18.40 "Қувноқ стартлар".
19.00 "Мультипанорама".
20.30 "Электрон дунё".
20.40 "Мультипанорама".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр
06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 Миллий кино. "Маҳаллада дув-дув гап ".
07.25 Миллий кино. "Чимилдиқ".
08.40 Миллий кино. "Ёндиради-куйдиради".
10.15 Миллий кино. "Ўзимдан ўзимгача".
11.45 Миллий кино. "Баракасини берсин".
13.05 Миллий театр."Уч кунлик дунё".
14.40 Миллий кино. "Келганда келин".
16.35 Миллий кино. "Тақдирлар".
18.15 "Портрет". Ш.Аббосов.
19.00 Миллий кино. "Сен етим эмассан".
20.20 Миллий кино. "Муҳаббат синовлари".
22.10 Миллий кино. "Мен юлдузман".
23.30 Миллий кино. "Биринчи бўса"
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Звёздочки на земле". Х/ф.
02.40 "Бўрилар орасида". Б/ф.
04.30 – 06.00 "Бир ҳафта". Б/ф.

СЕШАНБА, 27

Ўзбекистон
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Ибратга йўғрилган умр". 1-қисм.
07.20 "Халқ қабулхонасида бир кун".
07.50 Анонс.
08.00 "Ахборот".
08.40 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
09.20 "Сарҳад билмас дўстлик".
09.40 "Тилсиз ёв".
10.00 Анонс.
10.15 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Кўнгил ободлиги".
11.40 "Лойиҳадан натижагача".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Учбурчак". Ток-шоу.
13.50 Анонс.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Фикр.uz".
14.35 Анонс.
14.50 "Устурлоб".
15.10 "Муносабат". Ток-шоу.
16.00 Тезкор хабарлар.
16.10 "Қорачиқ".
16.30 "Ахборот" (инг.).
16.40 "Солиқ ва ҳаёт".
17.00 "Ахборот".
17.10 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
17.50 Анонс.
17.55 "2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили". "Олий қадрият".
18.20 "Сифат ва стандарт".
18.45 "Қисмат битиги". Т/с.
19.25,20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус./.
20.05 "Масъул сўз".
20.25 "Мўъжизалар макони".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Агроолам".
22.00 – 23.40 "Тоқи ҳаёт эканмиз". Б/ф.
23.40 "Фикр.uz".
00.00 "Устурлоб".
00.20 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
01.00 "Ахборот" /рус./.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Қайнона". Б/ф.
03.45 Анонс.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Вақт қадри".
05.10 – 05.55 "Ўзингни англа". Ток-шоу.

Ёшлар
06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Давр".
07.30 "Ош бўлсин!".
08.10 "Ўргимчак тўри". Б/ф.
09.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Афсунгар". Т/с.
11.40 "Дугоналар".
12.10 "Дугонажонлар". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Юра даврига саёҳат". Б/ф.
15.20 "Навоий сабоқлари".
15.30 "Юрт келажаги". *
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Оқсуяк изкувар". Т/с.
17.40 "Давр мавзуси".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Бобур". Т/с
20.20 "Танқид ва таҳлил".
20.30 "Нуқтаи назар"
21.10 "Дугонажонлар". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Жабрланувчиларнинг даъвоси йўқ". Б/ф.
00.10 "Мўъжизавий дунё".
01.00 "Афсона ва ҳақиқат".
04.30 "Соғлом ҳаёт".
04.50 "Ҳаёт қадри".
05.10 "Фан ва ёшлар".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент
05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 02.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
06.50 "Мобиль камера".
07.15 "Тошкент вақти".
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Қўшиққа айланган умр".Х/ф.
11.15 "Кинотақдим".
11.40 "Пойтахт-вазият" .
12.10 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари".
12.45 "Poytaxt-Hi-tech".
13.15 "Кафтдаги бахт". Т/с.
14.15 "Тошкент вақти".
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Обод хонадон".
17.40 "Тошкентнома".
18.20 "Тақдирлар".
18.45 "Халқ билан юзма-юз".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Кафтдаги бахт". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Мурожаат изидан".
20.45 "Сайёр камера".
21.00 "Муҳаббат-мангу ". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Доводы расудка". Х/ф.
00.05 "Сайёр камера".
00.20 "Мен сизга айтсам".
01.00 "Тақдирлар".
01.35 "Пойтахт-вазият" .
02.15 "Ҳикматли дунё": "Бахт ови".
03.00 "Пойтахт-культура".
03.15 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт
6.00 Мадҳия.
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Старт".
6.35 "Болалар спорти".
7.00 "Sport-online".
8.00 Хабарлар (ўзб).
8.15 Футбол. Конфедерациялар Кубоги. Чили – Австралия.
10.05 "Осиёга назар".
10.20 "Техноспорт".
10.30 Хабарлар (ўзб.).
10.40 "Спорт сабоқлари"
11.05 "Машҳурлар".
11.30 "Спортимиз маликалари".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Хабарлар (ўзб.).
13.10 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
14.15 "Старт".
14.35 "Ифтихоримсан, спорт!".
15.00 Хабарлар (ўзб.).
15.10 "ФИФА".
16.05 "Автограф судьбы".
16.35 Теннис. WTA – ATP турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бизнинг спорт".
18.30 Хабарлар (рус.).
18.50 "Спорт фидойилари".
19.15 "Техноспорт".
19.25 "Юлдузли оқшом".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб.).
20.55 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
22.00 "Чемпион".
22.40 Волейбол. Жаҳон лигаси.
00.00 Мадҳия.
00.05 "Юлдузли оқшом".
01.00 Хабарлар (рус.).
01.20 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
02.25 "Машҳурлар" (таркор).
03.05 Волейбол. Жаҳон лигаси.
04.25 "Техноспорт".
04.40 – 06.00 Теннис. WTA – ATP турнири.

Маҳалла
06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Мафтуна".
06.40 Кексалар даврасида: "Саодатли умр".
07.00 "Бирга соғлом бўлайлик".
07.15 Миллий сериал. "Фидойилар" .
07.45 "Кадр топган қадриятлар".
08.10 "Халқ виждони". Ток-шоу.
09.00 Миллий сериал. "Саодат".
09.50 "Кун нафаси".
10.00 "Осуда ҳаёт".
10.25 "TV анонс".
10.30 "Автотелемактаб".
11.00 "Бизнес ва тараққиёт".
11.25 "Қайнона бисотидан".
11.50 "Пиёда" Халқ манфаатлари йўлида.
12.30 "Таҳлил ва талқин".
12.55 "Томорқам хазинам".
13.20 "Мўъжаз Ватан".
13.45 "Илҳом мавжлари".
14.15 "Эзгу сўз, эзгу амал" Ток-шоу.
14.55 "TV анонс".
15.00 Миллий сериал. "Чемпионлик орзуси" .
15.35 "Маҳалламиз маликаси".
16.15 "Маҳалламиз спортчилари".
16.40 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
17.00 Миллий сериал. "Дил пайванди".
17.35 "Мутолаа".
17.55 "Ҳаракатда барака".
18.25 "Маҳалламиз болалари".
18.55 "TV анонс".
19.00 Миллий сериал. "Фидойилар".
19.35 Кексалар даврасида: Табаррук анъана.
20.00 "Ажабсанда".
20.25 "Биламиз-ку, аммо...".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 "Машварат".
21.30 "Ноёб институт".
22.00 Миллий сериал. "Саодат".
22.45 "Аслидек асрайлик".
23.10 "Қишлоқ қўйнидаги бахт".
23.35 "Икки йўл орасида".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Мафтуна".
00.35 "Илм қудрати".
01.00 "Фермер".
01.25 "Буни ҳаёт дейдилар" Ток-шоу.
02.05 "Меҳнат ҳуқуқи".
02.30 "Аждодлар хазинаси".
03.00 Миллий сериал. "Чемпионлик орзуси" .
03.35 "Эҳтиёж формуласи".
04.00 "Шукрона".
04.30 "Ён қўшним-жон қўшним".
05.00 Миллий сериал. "Дил пайванди".
05.35 – 06.00 "Қонунчиликдаги янгиликлар".

Болажон
07.00 "Салом, болажон!".
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Миттивойлар мусобақаси".
08.00 "Ширинтой-кичкинтойлар".
08.30 "Болалар учун фильм".
09.50 "Худойберди бобо меҳмонда".
10.00 "Bravo English!".
10.20 "Қувноқ алифбо".
10.50 "Мультипанорама".
12.10 "Саргузаштлар ороли".
12.30 "Мультипанорама".
13.40 "Story time".
14.00 "Мультипанорама".
15.30 "Боғбон болажон".
16.00 "Болалар учун фильм".
17.20 "Сеҳрли кўллар".
17.50 "Мультипанорама".
18.40 "Қувноқ стартлар".
19.00 "Эртаклар оламида".
20.10 "Болажонлар саҳнаси".
20.40 "Мультипанорама".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр
06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 Миллий кино. "Мен юлдузман".
07.25 "Портрет". Ш.Аббосов.
08.10 Миллий кино. "Сен етим эмассан".
09.30 Оилавий экран. "Ҳамма китларни севади".
11.20 Жаҳон киноси. "Қасам".
13.00 Кундузги сериал. "Саргузашт ишқибозлари". Т/с.
13.50 Жаҳон киноси. "47 ронин".
15.45 Болалар экрани. "Сеҳр маскани".
17.10 Мировое кино. "Последний бриллиант".
19.00 "Ўғил". Т/с. Премьера.
19.55 Миллий кино."Қўрғон".
21.30 "Ҳафта юлдузи". Жеки Чан.
21.50 Жаҳон киноси. "Тигиз пайт".
23.35 Мўъжаз фильмлар. "Менинг дунём". "Ожизлик".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Обыкновенное чудо". Х/ф.
02.25 "Тош ҳайқириғи". Б/ф.
04.15 – 06.00 "Олтин". Б/ф.

ЧОРШАНБА, 28

Ўзбекистон
06.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
07.00 "Ибратга йўғрилган умр". 2-қисм.
07.20 "Масъул сўз".
07.40 "Қорачиқ".
08.00 "Ахборот".
08.40 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
09.20 Анонс.
09.30 "Ягона оилада".
09.50 "Заковат".
10.50 Анонс.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Зиё дарғалари".
11.40 "Менинг боғим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Мўъжизалар макони".
13.30 Анонс.
13.40 " Нигоҳ".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Объектив нигоҳида".
14.50 Анонс.
15.00 "Агроолам".
15.20 "Бизнес старт".
15.45 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
16.30 Анонс.
16.40 "Тилсиз ёв".
17.00 "Ахборот".
17.10 "PRESS KLUB".
18.10 "Парламент ҳаёти".
18.30 Анонс.
18.45 "Қисмат битиги". Т/с.
19.25,20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот". /рус./.
20.05 "Шарҳ".
20.15 "Халқ қабулхонасида бир кун".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат". Ток-шоу.
22.25 – 00.00 "Уй можароси". Б/ф.
00.00 "Менинг боғим".
00.20 Миллий сериал: "Бедор туйғулар".
01.00 "Ахборот" /рус./.
01.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
02.30 "Омад". Б/ф.
04.00 "Ахборот".
04.40 Миллий сериал: "Вақт қадри".
05.10 "Ягона оилада".
05.25 – 05.55"Зиё дарғалари".

Ёшлар
06.00 "Ватан меҳри".
06.10 "Афсона ва ҳақиқат".
07.00 "Давр".
07.30 "Ош бўлсин!".
08.00 "Танқид ва таҳлил".
08.10 "Чашма". Б/ф.
09.30 "Зиё дарғалари".
09.50 "UzEX".
10.00 "Давр".
10.10 "Афсунгар". Т/с.
11.40 "Давр мавзуси".
12.00 "Танқид ва таҳлил".
12.10 "Дугонажонлар". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Юра даврига саёҳат-2". Б/ф.
15.20 "Навоий сабоқлари".
15.30 "Соғлом ҳаёт".
15.50 "UzEX".
16.00 "Давр".
16.10 "Оқсуяк изкувар". Т/с.
17.40 "Юрт келажаги".
18.00 "Бебаҳо бойлик". Т/с.
18.50 "UzEX".
19.00 "Давр".
19.30 "Бобур". Т/с.
20.10 "Зиё масканлари".
20.30 "Оналар мактаби".
21.10 "Дугонажонлар". Т/с.
22.00 "Давр".
22.30 "Шимол жангчиси". Б/ф.
00.10 "Мўъжизавий дунё".
01.00 "Афсона ва ҳақиқат".
05.30 – 06.00 "Давр".

Тошкент
05.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!".
06.00, 07.00, 08.00, 09.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 22.00, 02.00 "Poytaxt".
06.15 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари". /Якунловчи/.
06.50 "Мобильная камера".
07.15 "Тошкент вақти".
07.40 "Халқ билан юзма-юз".
09.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Муҳаббат-мангу". Т/с.
11.15 "Мурожаат изтдан ".
11.40 "Профессионал".
12.10 Миллий сериал: "Ҳаёт жилғалари". /Якунловчи/.
12.45 "Сайёр камера".
13.15 "Кафтдаги бахт". Т/с.
14.15 "Тошкент вақти".
14.40 "Халқ билан юзма-юз".
16.50 "Poytaxt-sport".
17.15 "Кинотақдим".
17.35 "Пойтахт йўлларида".
18.20 "Саломат бўлинг!" тележурнали.
18.50 "Poytaxt-intervyu".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Кафтдаги бахт". Т/с. /Премьера/.
20.00 "Пойтахт-вазият".
20.20 "Очиқ мулоқот".
21.00 "Муҳаббат-мангу ". Т/с. /Премьера/.
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Зорро". Х/ф.
00.20 "Очиқ мулоқот".
01.00 "Мен сизга айтсам".
02.15 "Кўнгил ҳайратлари".
02.45 "Poytaxt-intervyu".
02.55 "Ҳикматли дунё": "Сўнгги пушаймон".
03.15 – 05.55 "Тошкент вақти".

Спорт
06.00 Мадҳия.
06.05 Кўрсатувлар тартиби.
06.10 "Шахмат дурдоналари".
06.50 "Техноспорт".
07.00 "Sport-online".
08.00 Хабарлар (ўзб.) .
08.15 Футбол. Конфедерациялар Кубоги.
10.00 "Болалар спорти".
10.30 Хабарлар (ўзб.).
10.40 "Соғлом турмуш сари".
11.20 "Спорт хандаси".
11.30 "Мўъжизалар кемаси".
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport-online".
13.00 Хабарлар (ўзб.).
13.10 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
14.15 "На десерт".
15.00 Хабарлар (ўзб.).
15.10 "Эътироф".
15.25 "Осиёга назар".
15.40 "Юлдузли оқшом".
16.35 Теннис. WTA – ATP турнири.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Матонат".
18.30 Хабарлар (рус.).
18.50 "Техноспорт".
19.00 "Жозиба".
19.30 "Шарқона Лотто". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
19.40 "Автограф судьбы".
20.15 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар (ўзб.).
21.00 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
22.05 "Эътироф".
22.20 "Машҳурлар".
22.50 Футбол. Конфедерациялар. Кубоги. Ярим финал. Тўғридан-тўғри. олиб кўрсатилади.
00.50 Мадҳия.
01.00 Хабарлар (рус.).
01.20 Енгил атлетика. Бриллиант лига.
02.25 "Матонат".
02.50 Футбол. Конфедерациялар Кубоги. Ярим финал.
04.40 – 06.00 Теннис. WTA – ATP турнири.

Маҳалла
06.00 "Ватан мадҳи".
06.05 Миллий сериал. "Мафтуна".
06.35 Кексалар даврасида: "Табаррук анъана".
07.00 "Бирга соғлом бўлайлик".
07.15 Миллий сериал. "Фидойилар".
07.50 "Маҳалламиз болалари".
08.15 "Ноёб институт".
08.40 "Биламиз-ку, аммо...".
09.00 Миллий сериал. "Саодат".
09.50 "Кун нафаси".
10.00 "Машварат".
10.30 Зиё дарғалари: "Илм қудрати".
11.00 "Фермер".
11.30 "Буни ҳаёт дейдилар". Ток-шоу.
12.10 "Меҳнат ҳуқуқи".
12.30 "Аждодлар хазинаси".
13.00 "Кадр топган қадриятлар".
13.30 "Саодатли умр".
14.00 "Халқ виждони". Ток-шоу.
15.00 Миллий сериал. "Чемпионлик орзуси" .
15.35 "Сиз билан бирга".
16.00 "Осуда ҳаёт".
16.30 "Автотелемактаб".
17.00 Миллий сериал. "Дил пайванди".
17.35 "Қайнона бисотидан".
18.00 "Эҳтиёж формуласи".
18.30 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
18.55 "TV анонс".
19.00 Миллий сериал. "Фидойилар".
19.35 Кексалар даврасида: "Шукрона".
20.00 "Меҳригиё". Ток-шоу
20.50 "Кун нафаси".
21.00 "Ён қўшним-жон қўшним".
21.25 "TV анонс".
21.30 "Қонунчиликдаги янгиликлар".
22.00 Миллий сериал. "Саодат".
22.45 "Томорқам хазинам".
23.15 "Пиёда". Халқ манфаатлари йўлида.
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Мафтуна".
00.35 "Мўъжаз Ватан".
01.00 "Илҳом мавжлари".
01.25 "Эзгу сўз, эзгу амал" Ток-шоу.
02.05 "Маҳалламиз спортчилари".
02.30 "Қариси бор уй".
03.00 Миллий сериал. "Чемпионлик орзуси" .
03.35 "Ҳаракатда барака".
04.00 "Икки йўл орасида".
04.30 "Аслидек асрайлик".
05.00 Миллий сериал. "Дил пайванди".
05.35 – 06.00 "Жамият ва ҳуқуқ".

Болажон
07.00 "Салом, болажон!".
07.10 "Болажон гимнастикаси".
07.20 "Қувноқ стартлар".
07.40 "Табиатшунос болажон".
07.50 "Топағон болажон".
08.10 "Бола бошидан".
08.30 "Болалар учун фильм".
10.00 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Bravo English!".
10.50 "Мультипанорама".
12.10 "Ширинтой-кичкинтойлар".
12.30 "Мультипанорама".
13.30 "Боғбон болажон".
14.00 "Мультипанорама".
15.30 "Миттивойлар мусобақаси".
15.40 "Сеҳрли кўллар" .
16.00 "Болалар учун фильм".
17.20 "Саргузаштлар ороли".
17.50 "Мультипанорама".
18.40 "Қувноқ стартлар".
19.00 "Мультипанорама".
20.30 "Электрон дунё".
20.40 "Мультипанорама".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр
06.00 "Юрт мадҳи".
06.05 "Рим таътиллари". Б/ф.
07.55 Миллий кино. "Қўрғон".
09.25 Оилавий экран. "Кўркам йигит".
11.10 Жаҳон киноси. "Кит ва ҳамкорлари".
13.00 Кундузги сериал. "Саргузашт ишқибозлари".
13.50 "Мэдисон округи кўприги". Б/ф.
15.50 Болалар экрани. "Нарния салтанати".Б/ф. 1-қисм.
16.55 Мировое кино."МакФарланд".
19.00 "Ўғил". Т/с. 2 - қисм.
19.55 Миллий кино. "Сенсиз".
21.05 Жаҳон киноси."Ишқ сурури".
22.45 Жаҳон киноси. "Саёзлик". Б/ф.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Доспехи бога". Х/ф.
01.45 "Мушкетёр". Б/ф.
03.20 "Омадсиз ўйинчи". Б/ф.
04.40 – 06.00 "Тақдир ўйини". Б/ф.

(Давоми келгуси сонда)

"101"

ЁНҒИНГА ҚАРШИ ПРОФИЛАКТИКА

Шаҳримизда содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарияти аҳоли турар жойларида содир бўлмоқда.

Хонадонларда газ ва электр ускуналаридан фойдаланишда кўплаб фуқароларимиз қўпол равишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузишлари натижасида уй-жойлари талафот кўраётир.

Соҳа ходимлари томонидан кенг омма орасида инсонлар ҳаётини ёнғинлардан ҳимоя этишга бағишланган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Лекин амалга оширилаётган профилактик тадбирлар, ўтказилган тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишларига қарамасдан айрим эътиборсиз, лоқайд фуқароларимиз туфайли бир қанча ёнғинлар содир бўлмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг асосий талабларига риоя қилишингизни яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз:

– уйингизда ёниб турган газ ва электр ускуналарини назоратсиз қолдирманг;

– носоз газ ва электр асбоб-ускуналаридан фойдаланманг;

– ёш болаларни гугурт ва олов билан ўйнашларига йўл қўйманг ва уларни назоратсиз қолдирманг;

– ўринда ётиб сигарета чекманг;

– уйдан чиқишдан олдин газ ва электр ускуналарини ўчиришни унутманг;

– ёнғин содир бўлганда зудлик билан "101" телефон рақамига хабар беринг.

Ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкингиз, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Мурод ТУРСУНОВ,
24-ҲЁХҚ кичик инспектори, кичик сержант

* * *

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида "тилсиз ёв"нинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот учрашувлари ўтказиб келмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, аҳолини жалб қилишдан иборатдир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "тилсиз ёв" билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор барча фуқаро, оилалар, корхона ва ташкилотга таааллуқли эканлигини унутмаслик лозим. Ҳамшаҳарларимизга белгиланган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш орқали биз уйимиз, йиллаб йиққан мол-мулкимиз, уй-жойимиз, қолаверса яқин кишиларимизнинг ҳаётини асраган бўламиз.

Агарда биз оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этсак, уйимизда ёнаётган олов бизга фақат дўст сифатида хизмат қилади.

Санжар АБДУЛЛАЕВ,
23-ҲЁХҚ кичик инспектори, кичик сержант

* * *

Кундан-кунга чирой очиб бораётган гўзал пойтахтимизда қурилиш, ободонлаштириш ишларини шаҳримизнинг ҳар бир кўчасида кузатишимиз мумкин.

Ҳашаматли иншоотлар, боғлар барпо этилиб, баъзиларида таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Инсонларга энг қийин пайтда ёрдамга келувчи ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларидан ҳам ушбу масканларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назоратни кучайтириш талаб қилинади. Қурилиш меъёр талабларининг бузилиши, кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиб инсонлар ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин.

Қурилиш майдонларини ёнувчи чиқиндилардан доимий тозалаш, қўлбола электр иситиш анжомлари ва очиқ оловдан фойдаланмаслик, мумкин бўлмаган жойларда сигарета чекмаслик, кислород баллонларни тўғри сақлаш, бўёқлар, карбид, тахта материалларининг бирга сақланишига йўл қўймаслик, электр-газ пайвандлаш ишлари даврида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш катта аҳамиятга эга. Яна бир эслатма: қурилиш ҳовлисида ёш болалар ўйнаб юришини тақиқлаш ва бу борадаги бошқа кўпгина қоида-талабларга амал қилинганда юз бериши мумкин бўлган ёнғинлар ва кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин.

Нафақат қурилишлар, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан ўз ҳаётимиз, давлатимиз ҳамда шахсий мулкимизни ёнғин офатидан асраган бўламиз.

Нурбек АЙНАКУЛОВ,
Тошкент метрополитенининг қўриқлаш бўлими ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Чилонзор филиали биносига видеокузатув тизимини ўрнатиш мақсадида лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқувчи, махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилинади! Танловни ўтказиш тартиби ва шартлар тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ц мавзе, Меҳр кўчаси.
Телефонлар: 276-43-39, 276-55-82.
Нархлари фоизда кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда, эълон чиққан санадан бошлаб 15 кун ичида қабул қилинади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***24 июнь*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғиб, жала қуйиш эҳтимоли бор. Шарқдан ғарбга йўналишини ўзгартирган шамол секундига 5-10, кучайган ҳолда 15-20 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 21-23, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***24 июнь*** *эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтамти"га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-5229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г-635

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9234 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.40

1 2 3 4 5